

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

**ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИ
КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН
СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ**

2018 йил III чорак

Тошкент 2018 й.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| КИРИШ | 3 |
| I. СЎРОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ | 4 |
| II. РЕЗЮМЕ | 6 |
| III. ЖОРИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ | 9 |
| 3.1. Умумий иқтисодий ҳолат ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши..... | 9 |
| 3.2. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархлари ўзгариши | 13 |
| 3.3. Ташқи иқтисодий фаолият | 15 |
| 3.4. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати | 17 |
| 3.5. Инвестицион фаолият | 19 |
| 3.6. Инфратузилма билан таъминланиш ҳолати | 20 |
| 3.7. Кредитлаш шарт-шароитлари | 23 |
| 3.8. Иш ҳақи ва бандликнинг ўзгариши | 24 |
| IV. ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИ КУТИЛМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ | 26 |
| 4.1. Ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт ва нархлар ўзгариши | 26 |

КИРИШ

2018 йилнинг II чорагидан бошлаб, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг жорий иқтисодий ҳолати ва истиқболдаги кутилмаларини ўрганиш юзасидан даврий (чораклик) сўров ўтказиш йўлга қўйилди. Ушбу билан реал сектор корхоналари кузатувининг III чорак якунлари бўйича натижалари тақдим қилинмоқда.

Мазкур сўровни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолатни ва ўзгаришларни мониторинг ва таҳлил қилиб бориш ҳамда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг мамлакат иқтисодиётидаги жараёнлардаги кутилмаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сўровнома шакли қатор хорижий марказий банклар, шу жумладан Россия Федерацияси Марказий банки, Қозоғистон Республикаси Миллий банки ва бошқа МДХ давлатлари марказий банклари тажрибасини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, жами **46** та саволни ўз ичига қамраб олган.

Сўровнома қуйидаги **5** та бўлимдан иборат:

- умумий иқтисодий ҳолат ва ишлаб чиқариш;
- корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати;
- маҳсулотлар (ишлар, товар ва хизматлар) нархларининг шаклланиши;
- корхоналарнинг инвестицион фаолияти;
- корхоналарнинг яқин истиқболдаги кутилмалари.


Мазкур сўров ҳар чорак якуни бўйича Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари томонидан сўровнома шаклларини бевосита корхона ва ташкилотларга тарқатиш орқали ўтказиб борилади.

I. СЎРОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ

2018 йил III чораги якуни бўйича ўтказилган сўровда жами 432 та корхона ва ташкилотлар қамраб олинган бўлиб, уларнинг 111 таси (25,7 фоизи) озиқ-овқат саноати, 60 таси (13,8 фоизи) енгил саноат, 58 таси (13,4 фоизи) савдо ва умумий овқатланиш, 36 таси (8,3 фоизи) қурилиш материаллари саноати, 30 таси (6,9 фоизи) тиббий хизмат соҳаси, 28 таси (6,5 фоизи) туризм соҳаси, 27 таси (6,3 фоизи) транспорт соҳаси, 26 таси (6 фоизи) қурилиш ишлари соҳаси, 10 таси (2,3 фоизи) кимё саноати, 10 таси нефть-газ саноати ҳамда қолган 36 таси электроэнергетика, донни қайта ишлаш, тоғ-кон саноати, автомобиль саноати, фармацевтика ва кабель маҳсулотлари тармоқларида фаолият юритади (1-расм).

1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

(корхоналар сони)




Хусусан, сўровни ўтказиш жараёнида республика иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган “Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзқурилишматериаллари” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзшаробсаноат” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Ўзэлтехсаноат” АЖ таркибига кирувчи корхоналар ҳамда «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» АЖ, «Навоий тоғ-кон металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК каби йирик корхона ва ташкилотлар қамраб олинди.

Ҳудудлар кесимида, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотлар умумий сонига Тошкент шаҳрининг улуши қарийб 10 фоизни, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари улуши мос равишда 9,3 ва 9 фоизни, Фарғона вилояти улуши 8,1 фоизни, Қашқадарё вилояти улуши 7,6 фоизни, Бухоро вилояти улуши 6,9 фоизни, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Навоий вилоятлари улуши 6,7 фоизни ташкил қилади (2-расм).

2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

(корхоналар сони)



Сўров доирасида республика ҳудудлари иқтисодиётидаги жорий ҳолатни ва ўзгаришларни тўлақонли ва сифатли баҳолаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиётининг деярли барча асосий тармоқлари ва ҳар бир тармоқ бўйича камида 2 тадан корхона (ташкilot) сўровда қатнашиш учун танлаб олинган.

II. РЕЗЮМЕ

Жорий йилнинг III чораги якуни бўйича ўтказилган сўров натижалари, умуман олганда мазкур чорак давомида мамлакатда иқтисодий фаоллик даражасининг II чоракка нисбатан ошганлигини ҳамда иқтисодий кутилмаларининг яхшиланганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг 65 фоизи (ўтган чоракда 56 фоизи) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳамда экспортёрларнинг 50 фоизи (ўтган чоракда 43 фоизи) экспорт ҳажмининг реал ҳисобда ошганлигини маълум қилган.

Шунингдек, жорий йил якуни бўйича маҳсулотлар (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш реал ҳажмининг 2017 йилга нисбатан ўсишини кутаётган корхона ва ташкилотлар улуши II чоракдаги 69 фоиздан III чоракда 76 фоизгача, экспорт ҳажмининг аввалги йилга нисбатан ошишини прогноз қилаётган экспортёр корхоналар улуши эса 72 фоиздан 82 фоизгача ошган.

Ушбу натижалар билан бир қаторда, сўров давомида иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқаришнинг янада юқори суръатларда ўсишига тўсқинлик қилаётган омилларнинг сақланиб қолаётганлиги ҳамда корхона ва ташкилотлар молиявий-иқтисодий фаолиятининг айрим кўрсаткичларининг нисбатан пасайганлиги қайд этилган.

Хусусан:

иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг (қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларнинг) сақланиб қолаётганлигини маълум қилган респондентлар улушининг II чоракдаги 40 фоиздан III чоракда 48 фоизгача ошганлиги;

корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаоллигининг мазкур чоракда нисбатан сушт даражада шаклланиб, инвестицияларни амалга оширган респондентлар улушининг II чоракдаги 43 фоиздан III чоракда 33 фоизгача камайганлиги;

иш ўринлари сонининг ошганлигини маълум қилган респондентлар улушининг 46 фоиздан 37 фоизгача қисқарганлиги;

корхона молиявий-иқтисодий ҳолатининг ёмонлашганини маълум қилган респондентлар улушининг кўпайганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, сўнги сўров натижалари жорий йилнинг III чораги якуни бўйича ҳам, худди ундан аввалги чорақдагидек, корхона ва ташкилотларнинг 60 фоизда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг 80 фоиздан паст даражада сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, реал сектор корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодиётдаги ялпи талаб ўзгаришига (фаол фискал ва инвестицион сиёсат юритилиши натижасидаги ўсишига) етарлича тезкор мослашувчан эмаслигини англатади.

Мазкур ҳолатни, ўз навбатида, жорий йилнинг ўтган даври давомида кузатилган импорт ҳажмининг сезиларли даражадаги ўсишининг ҳамда мамлакат ташқи савдо баланси салбий сальдосининг муҳим сабабларидан бири сифатида қараш мумкин.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмасликнинг асосий сабаблари сифатида хом-ашё таъминоти билан боғлиқ муаммоларни кўрсатган корхона ва ташкилотлар улуши II чорақдаги 28 фоиздан III чорақ якуни бўйича 43 фоизгача ошган бўлиб, сўров натижалари мазкур муаммонинг айниқса нефть-газ, кимё, қурилиш материаллари, енгил саноат ва озиқ-овқат саноат тармоқларида ҳамда қурилиш ишлари соҳасида долзарблигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, респондент корхона ва ташкилотларнинг 34 фоизи маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга тўсқинлик қилаётган омил сифатида хом-ашё материаллар нархининг юқорилигини кўрсатиб ўтганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу эса, мамлакат иқтисодиётида хом-ашё таъминоти борасида муаммоларнинг мавжудлигини ҳамда ушбу масала бўйича **алоҳида ўрганиш ўтказиш** зарурлигини англатади.

Бундан ташқари, табиий газ ва электр энергияси таъминоти ҳамда инфратузилма объектларидан (автомобиль ва темир йўллар, сув ва канализация тармоқлари ва бошқалардан) фойдаланиш борасида ҳолат яхшиланган бўлсада, респондентларнинг 26 фоизи (II чорақда 32 фоиз) табиий газ таъминотида, 32 фоизи (II чорақда 39 фоиз) электр энергияси таъминотида ҳамда 41 фоизи (II чорақда 45 фоиз) инфратузилма объектларидан фойдаланиш борасида муаммоларнинг мавжудлигини маълум қилган.

Сўров доирасида корхоналарнинг экспорт фаолияти ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳам ўрганилган бўлиб, респондент корхоналарнинг 21 фоизи транспорт харажатларининг юқорилигини,

14 фоизи экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаблигини ҳамда 18 фоизи ташқи бозорларда корхона маҳсулотларига талаб ва нарх бўйича маълумотларнинг етарли эмаслигини асосий сабаблар сифатида кўрсатган.

Бу эса, юқорида санаб ўтилган реал сектор корхоналарининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган тизимли омилларни бартараф қилиш ҳисобига республикада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини сезиларли даражада кўпайтириш, кўплаб янги иш ўринларини яратиш ва шу орқали аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш имкониятлари мавжудлигини англатади.

Шунингдек, сўров натижалари жорий йилнинг III чорагида иқтисодиётда инфляцион жараёнларнинг аввалги чоракка нисбатан кучайганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, ушбу чоракда ўз маҳсулотлари (иш, хизматлари) нархини оширган корхона ва ташкилотлар улуши 38 фоиздан 54 фоизгача ошган бўлиб, респондентларнинг 74 фоизида (II чоракда 70 фоиз) нархларнинг ўсиши 1-10 фоиз оралиғида шаклланган.

Бунда, респондент корхона ва ташкилотлар томонидан нархлар даражаси ўсишининг асосий сабаблари сифатида хом-ашё материаллар, электр энергияси, табиий газ ва бошқа ёқилғи маҳсулотлари нархлари ва тарифларининг ошиши кўрсатилмоқда.

III. ЖОРИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ


3.1. Умумий иқтисодий ҳолат ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши

Сўнги сўров давомида **маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгариши** юзасидан олинган жавобларда, респондент корхона ва ташкилотларнинг 65 фоизи (II чорақда 56 фоизи) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмларининг реал ҳисобда ошганлигини, 7 фоизи (II чорақда 11 фоизи) эса ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайганлигини маълум қилган.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши тоғ-кон саноатида корхона ва ташкилотларнинг 100 фоизида (II чорақда 80 фоизида), озиқ-овқат саноатида 66 фоизида (II чорақда 60 фоизида), енгил саноатда 69 фоизида (II чорақда 52 фоизида), электроэнергетика тармоғида 75 фоизида (II чорақда 33 фоизида) кузатилган.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиш даражаси ўрганилганда, респондентларнинг 22 фоизида ишлаб чиқариш ҳажмлари 1-4 фоиз оралиғида, 21 фоизида 5-8 фоиз оралиғида ҳамда 27 фоизида 9-12 фоиз оралиғида ошганлиги таъкидланган (3-расм).

3-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажми ошиш кўрсаткичларининг тақсимланиши




Ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши эса кимё саноатида респондентларнинг 69 фоизида (II чорақда 75 фоизида), қурилиш материаллари саноатида 59 фоизида (II чорақда 66 фоизида), донни қайта ишлаш саноатида 56 фоизида (II чорақда 63 фоизида) ҳамда нефть-газ саноатида 40 фоизида (II чорақда 50 фоизида) кузатилган.

Сўровда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг 59 фоизи (II чорақда 58 фоиз) сўнгги чорақ мобайнида **маҳсулотларга (ишлар, хизматларга) талабнинг ошганлигини**, 8 фоизи (II чорақда 10 фоиз) талабнинг камайганлигини, 33 фоизи (II чорақда 27 фоиз) эса талабнинг ўзгармаганлигини маълум қилган.

Шу билан бирга, сўров доирасида **республикадаги иқтисодий ҳолатнинг ўзгаришига** респондент корхона ва ташкилотлар муносабати ўрганилганда, уларнинг 75 фоизи умумий иқтисодий ҳолатнинг II чорақка нисбатан яхшиланганини маълум қилган.

Бунда, иқтисодий ҳолатнинг яхшиланганини қайд этган респондентлар улуши II чорақдаги 82 фоиздан III чорақда 75 фоизгача камайган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатдаги иқтисодий фаоллик даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин бўлган хатарларнинг аввалги чорақка нисбатан кучайганлигини аниқлаши мумкин (4-расм).

4-расм. Мамлакатда иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши юзасидан жавобларнинг тақсимланиши




Хусусан, умумий иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши тармоқлар кесимида таҳлил қилинганда, унинг яхшиланганлигини маълум қилган респондентларнинг улуши электроэнергетика, автомобиль ва тоғ-кон

саноат тармоқларида II чорақдаги 100 фоиздан III чорақда мос равишда 80, 67, ва 60 фоизгача, қурилиш материаллари саноатида 93 фоиздан 72 фоизгача, нефть-газ саноатида 90 фоиздан 80 фоизгача, озиқ-овқат саноатида 84 фоиздан 76 фоизгача ва кимё саноатида 80 фоиздан 62 фоизгача пасайган.


Хизмат кўрсатиш соҳасида эса иқтисодий ҳолатнинг яхшиланганлигини маълум қилган респондентларнинг улуши туризм соҳасида II чорақдаги 86 фоиздан III чорақда 79 фоизгача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 82 фоиздан 71 фоизгача ва қурилиш ишлари соҳасида 74 фоиздан 65 фоизгача камайган (5-расм).

5-расм. Мамлакатда иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши юзасидан жавобларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши



Шунингдек, **ишлаб чиқариш ва тадбикорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг** (қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларнинг) сақланиб қолаётганлигини маълум қилган респондентлар улушининг II чорақдаги 40 фоиздан III чорақда 48 фоизгача ошганлиги ҳам жорий йилнинг III чорагида иқтисодий шарт-шароитлардаги салбий ўзгаришларга ишора қилмоқда (6-расм).

6-расм. Ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Шунингдек, сўров доирасида **маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омиллар** ўрганилган бўлиб, мазкур ҳолат юзасидан корхона ва ташкилотларнинг 34 фоизи хом-ашё материаллари нархларининг юқорилигини, 21 фоизи энергия манбалари нархларининг юқорилигини, 16 фоизи солиқ юкининг юқорилиги ва солиқ маъмуриятчилигининг мураккаблигини ҳамда бозордаги носоғлом рақобат муҳити ва шароитларни, 15 фоизи эса айланма маблағларнинг етарли эмаслигини маълум қилган (7-расм).

7-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омиллар




Тармоқлар кесимида эса энергия манбалари нархларининг юқорилиги қурилиш материаллари саноатида респондентларнинг 42 фоизида, тоғ-кон саноатида 33 фоизида, озиқ-овқат саноатида 17 фоизида, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 29 фоизида, хом-ашё нархларининг юқорилиги эса нефть-газ саноатида респондентларнинг 67 фоизида, енгил саноатда 48 фоизида, кимё ҳамда озиқ-овқат саноатида 36 фоизида ва қурилиш ишлари соҳасида 58 фоизида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида қайд этилган.

3.2. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархлари ўзгариши


Сўров доирасида корхона ва ташкилотларда **маҳсулотлар (иш, хизматлар) нархларининг ўзгариши** ўрганилганда, ўз маҳсулотлари нархларини оширган корхона ва ташкилотлар улушининг II чорақдаги 38 фоиздан 54 фоизгача кўпайганлиги аниқланди (8-расм).

8-расм. Маҳсулот сотиш нархининг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Бунда, ушбу корхона ва ташкилотларнинг 80 фоизида нархлар 12 фоизгача бўлган миқдорда оширилган бўлиб, шундан 25 фоизида нархларнинг ошиши 1-4 фоиз оралиғида, 29 фоизида 5-8 фоиз оралиғида ҳамда 26 фоизида 9-12 фоиз оралиғида шаклланган (9-расм).

9-расм. Сўнги чоракда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотиш нархининг ўзгариши кўрсаткичлари




Тармоқлар кесимида қаралганда, корхона ва ташкилотларнинг донни қайта ишлаш саноатида 78 фоизида, озиқ-овқат саноатида 71 фоизида, қурилиш материаллари саноатида 59 фоизида, енгил саноатда 48 фоизида, кимё саноатида 42 фоизида ҳамда қурилиш ишлари соҳасида 69 фоизида, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 60 фоизида, транспорт соҳасида 48 фоизида, тиббий хизмат соҳасида 31 фоизида маҳсулотлар (иш, хизматлар) нархлари аввалги чоракка нисбатан ошган.

Бунда, респондентларнинг 58 фоизи нархлар ўсишининг асосий сабаби сифатида **маҳсулотлар (иш, хизматлар) таннархининг** ошганлигини қайд этган.

Хусусан, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг 78 фоизи таннарх ошишини хом-ашё нархларининг ўсиши, 44 фоизи электр энергияси, табиий газ ва бошқа ёқилғи маҳсулотлари нархларининг ошиши ҳамда 38 фоизи иш ҳақи харажатларининг ошиши билан изоҳлаган (10-расм).

10-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ошишига сабаб бўлган омиллар бўйича жавобларнинг тақсимланиши




3.3. Ташқи иқтисодий фаолият

Сўров давомида респондент корхона ва ташкилотларнинг фақатгина 35 фоизи экспорт фаолияти билан шуғулланишини, қолган 65 фоизи эса ўз маҳсулотларини (ишлар, хизматларини) фақат ички бозорда реализация қилишини маълум қилган.

Бунда, тармоқлар кесимида қаралганда, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши енгил саноатда (80 фоиз), кимё саноатида (77 фоиз), тоғ-кон саноатида (60 фоиз) нисбатан юқори бўлса, унинг нисбатан паст кўрсаткичлари озиқ-овқат (35 фоиз), нефть-газ (30 фоиз), электроэнергетика (30 фоиз), қурилиш материаллари (21 фоиз) ва донни қайта ишлаш саноатида (11 фоиз) қайд қилинган.

Шу билан бирга, экспортёр корхона ва ташкилотлар экспорт қилаётган маҳсулотларнинг (ишлар, хизматларнинг) жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги улуши ўтган чоракка нисбатан деярли ўзгаришсиз қолган бўлиб, сўровда қатнашган экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг асосий қисмида (қарийб 70 фоизида) экспортнинг жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажмидаги улуши 30 фоиздан ошмайди (11-расм).


11-расм. Экспортер корхона ва ташкилотлар экспорт ҳажмининг жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) улуши



Сўров натижалари, 2018 йилнинг III чораги мобайнида реал сектор субъектларининг экспорт фаолиятининг аввалги чоракка нисбатан фаоллашганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, **маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмининг** ошганлигини маълум қилган экспортёр корхона ва ташкилотларнинг улуши II чоракдаги 43 фоиздан III чоракда 50 фоизгача ошган ҳамда экспорт ҳажмининг камайганлигини қайд этган респондентларнинг улуши 17 фоиздан 12 фоизгача камайган.

Экспорт ҳажмининг ўсиши экспортёр корхона ва ташкилотларнинг 23 фоизида 1-4 фоиз оралиғида, 21 фоизида 5-8 фоиз оралиғида ҳамда 28 фоизида 9-12 фоиз оралиғида кузатилган (12-расм).

12-расм. Экспорт ҳажмларининг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Иқтисодиёт тармоқлари кесимида қаралганда, **экспорт ҳажмининг ўсиши** респондент корхона ва ташкилотларнинг нефть-газ саноатида 100 фоизида, енгил саноатда 50 фоизида, тоғ-кон саноатида 50 фоизида, кимё саноатида 44 фоизида, озиқ-овқат саноатида 36 фоизида, транспорт хизматлари соҳасида 86 фоизида ҳамда туризм хизматлари соҳасида 82 фоизида кузатилган.

Бунда, респондентларнинг 46 фоизи 2018 йилнинг III чораги мобайнида ташқи бозорларга чиқиш шарт-шароитларининг осонлашганини, 48 фоизи ўзгармаганини ҳамда 7 фоизи қийинлашганини маълум қилган.


Экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар сифатида экспорт қилувчи корхоналарнинг 21 фоизи транспорт харажатларининг юқорилигини, 18 фоизи ташқи бозор конъюнктураси бўйича маълумотларнинг етарли эмаслигини, 17 фоизи корхона маҳсулотларига ташқи бозорларда талабнинг пастлигини, 14 фоизи эса маҳсулотларни (иш, хизматларни) экспорт қилиш билан боғлиқ тартиб-тамойилларнинг мураккаблигини билдирган.

3.4. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Корхоналарнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинганда, худди жорий йилнинг II чорагида кузатилганидек, респондентларнинг 60 фоизи ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг 80 фоиздан паст эканлигини, шу жумладан 16 фоизи мазкур кўрсаткичнинг 60 фоиздан пастлигини маълум қилган.

Бу эса, реал сектор корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодиётдаги ялпи талаб ўзгаришига (фаол фискал ва инвестицион сиёсат юритилиши натижасидаги ўсишига) етарлича тезкор мослашувчан эмаслигини, яъни ялпи талаб ўсишига мос равишда ошмаётганлигини англатади. Бундай ҳолат, ўз навбатида, реал сектор корхоналаридаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига маҳсулотлар импорти ўсиш суръатларини мўътадиллаштириш ҳамда мамлакат ташқи савдо баланси салбий сальдосини сезиларли даражада қисқартириш (ва умуман бартараф қилиш) имкониятлари мавжудлигини билдиради (13-расм).

13-расм. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг корхоналар бўйича тақсимланиши



Шу билан бирга, сўров натижалари айрим иқтисодиёт тармоқларида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг жорий йилнинг III чорагида аввалги чоракка нисбатан яхшиланганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг 80%дан паст эканлигини маълум қилган респондентлар улуши кимё саноатида II чорақдаги 83%дан III чорақда 69%гача, автомобиль саноатида 80%дан 50%гача, енгил саноатда 74%дан 57%гача ва озиқ-овқат саноатида 73%дан 66%гача камайган.

Ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг 80%дан паст эканлигини маълум қилган респондентлар улуши қурилиш материаллари саноатида 50%дан 72%гача ва нефть-газ саноатида 30%дан 50%гача кўпайган.

Корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигининг асосий сабаблари сифатида хом-ашё таъминоти билан боғлиқ муаммолар (43% фойзида), айланма маблағлар танқислиги (31% фойзида), ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг пастлиги (30% фойзида), электр энергияси ва табиий газ таъминотидаги муаммолар (19% фойзида) кўрсатилган (14-расм).

14-расм. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаслик сабабларининг тақсимланиши




Бунда, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмасликнинг асосий сабаблари сифатида хом-ашё таъминоти билан боғлиқ муаммоларни кўрсатган корхона ва ташкилотлар улуши II чорақдаги 28 фоиздан III чорақ якуни бўйича 43 фоизгача ошган бўлиб, сўров натижалари мазкур муаммонинг нефть-газ, кимё, қурилиш материаллари, енгил саноат ва озиқ-овқат саноат тармоқларида ҳамда қурилиш ишлари соҳасида айниқса долзарблигини кўрсатмоқда.

3.5. Инвестицион фаолият

2018 йилнинг III чораги мобайнида корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаоллиги (ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш билан боғлиқ инвестицияларни амалга ошириш) II чорақка нисбатан пасайган бўлиб, инвестицион харажатларни амалга оширган респондентларнинг улуши II чорақдаги 43 фоиздан 33 фоизгача камайган.

Инвестицион фаоллик даражаси тармоқлар кесимида таҳлил қилинганда, нефть-газ саноатида респондентларнинг 60 фоизида (II чорақда 67 фоиз), кимё саноатида 46 фоизида (II чорақда 53 фоиз), енгил саноатда 41 фоизида (II чорақда 49 фоиз), озиқ-овқат саноатида 34 фоизида (II чорақда 46 фоиз) ҳамда қурилиш материаллари саноатида 31 фоизида (II чорақда 45 фоиз) асосий капиталга инвестициялар амалга оширилган (15-расм).

15-расм. Инвестициялар амалга оширилишининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўзгариши



Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида корхона ва ташкилотларнинг 57 фоизи фойда ва ўз маблағларини, 48 фоизи банк кредитларини ҳамда фақатгина 3 фоизи бюджет маблағларини кўрсатган.

Шу билан бирга, корхона ва ташкилотларнинг 75 фоизи инвестицияларни ускуналар ва бошқа асосий воситалар харид қилишга ҳамда 40 фоизи бино ва иншоотлар қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирган.

Инвестицияларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад сифатида корхона ва ташкилотларнинг 59 фоизи ишлаб чиқаришни кенгайтириш, 53 фоизи ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва самарадорлигини оширишга ҳамда 26 фоизи янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни кўрсатган¹.


3.6. Инфратузилма билан таъминланиш ҳолати

Сўров натижалари жорий йилнинг III чорагида корхона ва ташкилотларнинг энергия манбалари билан таъминланиши ва инфраструктура объектларидан (автомобиль ва темир йўллар, сув ва канализация тармоқлари ва бошқалардан) фойдаланиши борасидаги ҳолатнинг аввалги чоракка нисбатан яхшиланганлигини кўрсатмоқда.

¹ Респондентлар ушбу масала бўйича бир вақтнинг ўзида бир нечта жавобларни танлаши мумкин.


Хусусан, **табiiй газ таъминоти** билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган корхоналар улуши II чоракка нисбатан 6 фоиз бандга (32 фоиздан 26 фоизгача) камайган (16-расм);

16-расм. Табiiй газ билан таъминланганлик даражаси бўйича жавобларнинг тақсимланиши




Шунингдек, **электр энергияси таъминоти** билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини маълум қилган респондент корхона ва ташкилотлар улуши II чоракка нисбатан 7 фоиз бандга (39 фоиздан 32 фоизгача) қисқарган (17-расм).

17-расм. Электр энергияси билан таъминланганлик даражаси бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Инфратузилма объектларидан (автомобиль ва темир йўллар, сув ва канализация тармоқлари ва бошқалардан) фойдаланиш борасида муаммолар мавжудлигини қайд этган корхона ва ташкилотлар улуши эса 4 фоиз бандга (II чорақдаги 45 фоиздан III чорақда 41 фоизгача) камайган (18-расм).

18-расм. Инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражаси бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Шунга қарамасдан, сўровда қатнашган реал сектор субъектларининг 32 фоизи электр энергияси ва 26 фоизи табиий газ таъминотида ҳамда 41 фоизи зарур инфратузилма объектларидан (автомобиль ва темир йўллар, сув ва канализация тармоқлари ва бошқалардан) фойдаланишда муаммолар сақланиб қолаётганлигини қайд этиши ташвишланарли ҳолат ҳисобланади.


Мазкур муаммолар тармоқлар кесимида ўрганилганда, респондент корхона ва ташкилотларнинг қурилиш материаллари саноатида 47 фоизида (II чорақда 44 фоиз) табиий газ таъминотида ва 38 фоизида (II чорақда 47 фоиз) электр энергияси таъминотида, енгил саноат корхоналарининг 23 фоизида (II чорақда 35 фоиз) табиий газ таъминотида ва 36 фоизида (II чорақда 31 фоиз) электр энергияси таъминотида, кимё саноатида 15 фоизида (II чорақда 33 фоиз) табиий газ таъминотида ва 31 фоизида (II чорақда 33 фоиз) электр энергияси таъминотида, донни қайта ишлаш саноатида 22 фоизида (II чорақда 25 фоиз) ҳамда озиқ-овқат саноатида 36 фоизида (II чорақда 33 фоиз) электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келинаётганлиги қайд этилган.

3.7. Кредитлаш шарт-шароитлари

Сўров натижалари 2018 йилнинг III чорагида тижорат банкларидан кредит маблағлари жалб қилган корхона ва ташкилотларнинг улуши II чорақдаги 40 фоиздан 44 фоизгача ошганлигини кўрсатмоқда.

Бунда, респондентларнинг 58 фоизи (II чорақда 37 фоиз) ҳисобот даврида **кредит олиш шартларининг** яхшиланганлигини, 31 фоизи (II чорақда 27 фоиз) ўзгармаганлигини, 11 фоизи эса (II чорақда 15 фоиз) қатъийлашганлигини кўрсатиб ўтган (19-расм).

19-расм. Тижорат банк(лар)идан кредит олиш шартлари ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Шунингдек, респондент корхона ва ташкилотларнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжи ўрганилганда, уларнинг 43 фоизи айна вақтда кредит олишга эҳтиёжи борлигини, 57 фоизи эса кредит олишга эҳтиёжи йўқлигини маълум қилган.

Хусусан, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг тоғ-кон саноатида 80 фоизи, енгил саноатда 58 фоизи, озиқ-овқат саноатида 50 фоизи, нефть-газ саноатида 40 фоизи ҳамда қурилиш ишлари соҳасида 58 фоизи тижорат банкларидан кредит маблағлари жалб қилишга эҳтиёжи борлигини маълум қилган.

3.8. Иш ҳақи ва бандликнинг ўзгариши

Сўнги чорақда ўтказилган сўров натижалари иқтисодиётда **янги иш ўринларини яратиш** борасидаги жараёнларнинг II чорақка нисбатан бирмунча сустлашганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, сўров давомида янги иш ўринлари сонининг ошганлигини маълум қилган респондентлар улуши II чорақдаги 46 фоиздан III чорақда 37 фоизгача камайган (20-расм).


Бунда, тармоқлар кесимида қаралганда:

- иш ўринлари сонининг ўтган чорақка нисбатан ошиши тоғ-кон саноатида респондент корхона ва ташкилотларнинг 80 фоизида, автомобил саноатида 67 фоизида ва қурилиш ишлари соҳасида 54 фоизида кузатилган;


- респондентларнинг нефть-газ саноатида 70 фоизида, озиқ-овқат саноатида 62 фоизида, енгил саноатда 61 фоизида, кимё саноатида 54 фоизида ҳамда туризм хизматлари соҳасида 71 фоизида, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 57 фоизида ва транспорт соҳасида 56 фоизида иш ўринлари сони II чорақ даражасида ўзгаришсиз сақланиб қолган.

Ҳисобот даврида **иш ҳақи миқдори**ни оширган корхона ва ташкилотларнинг улуши II чорақдаги 50 фоиздан III чорақда 62 фоизгача кўпайган бўлиб, тармоқлар кесимида қаралганда иш ҳақини оширган респондент корхона ва ташкилотлар улуши тоғ-кон (100 фоиз), кимё (77 фоиз), донни қайта ишлаш (75 фоиз), қурилиш материаллари (74 фоиз), электроэнергетика (70 фоиз) саноат тармоқларида ҳамда қурилиш ишлари (77 фоиз) ва транспорт хизмати (74 фоиз) соҳаларида айниқса юқори бўлган (21-расм).

20-расм. Иш ўринлари сони ўзгариши



21-расм. Ўртача иш ҳақи миқдори ўзгариши



Хусусан, жорий йилнинг III чораги мобайнида иш ҳақи миқдорлари оширилган корхона ва ташкилотларнинг 13 фоизда ўртача иш ҳақи 1-4 фоиз оралиғида, 36 фоизда 5-8 фоиз оралиғида, 31 фоизда 9-12 фоиз оралиғида ҳамда 10 фоизда 13-16 фоиз оралиғида оширилган.

IV. ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИНГ КУТИЛМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

4.1. Ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт ва нархлар ўзгариши

Марказий банк пул-кредит сиёсати чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда уларга зарур ҳолларда тегишли ўзгартиришларни киритиб бориш заруриятидан келиб чиққан ҳолда жорий йил якуни бўйича ҳамда келгуси йил учун мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатларини баҳолаш мақсадида сўров доирасида корхона ва ташкилотларнинг яқин истиқболдаги иқтисодий кутилмалари ҳам ўрганилди.

Хусусан, 2018 йил якуни бўйича:

корхона ва ташкилотларнинг **76** фоизида (II чорак сўровида 69 фоизни ташкил қилган) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг 2017 йилга нисбатан ошиши кутилаётган бўлса, **5** фоизида (II чорак сўровида ҳам 5 фоиз) ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кутилмоқда;

ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши кутилаётган корхона ва ташкилотларнинг 14 фоизида 1-4 фоиз оралиғида, 20 фоизида 5-8 фоиз оралиғида 33 фоизида 9-12 фоиз оралиғида бўлиши прогноз қилинмоқда;

экспортёр корхоналарнинг **69** фоизида (II чорак сўровида 73 фоизни ташкил қилган) экспорт ҳажмининг 2017 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан респондентларнинг 12 фоизида 1-4 фоиз оралиғида, 26 фоизида 5-8 фоиз оралиғида, 30 фоизида эса 9-12 фоиз оралиғида бўлиши кутилмоқда;

корхона ва ташкилотларнинг **78** фоизида (II чорак сўровида 67 фоизни ташкил қилган) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархларининг 2017 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан респондент корхона ва ташкилотларнинг 12 фоизида 1-4 фоиз оралиғида, 27 фоизида 5-8 фоиз оралиғида, ҳамда 32 фоизида 9-12 фоиз оралиғида бўлиши прогноз қилинмоқда;

респондент корхона ва ташкилотларнинг 45 фоизида асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг 2017 йилга нисбатан ошиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, **2019 йил учун**:

Респондент корхона ва ташкилотларнинг **86** фоизида (II чорак сўровида 71 фоизни ташкил қилган) ишлаб чиқариш ҳажмларининг 2018 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан респондент корхона ва ташкилотларнинг 9 фоизида ўсиш суръатининг 1-4 фоиз оралиғида, 23 фоизида 5-8 фоиз оралиғида ҳамда 34 фоизида 9-12 фоиз оралиғида бўлиши;

сўровда қатнашган экспортёр корхоналарнинг **82** фоизида (II чорак сўровида 84 фоизни ташкил қилган) экспорт ҳажмининг 2018 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан корхона ва ташкилотларнинг 9 фоизида ўсиш суръатининг 1-4 фоиз оралиғида, 23 фоизида 5-8 фоиз оралиғида ҳамда 34 фоизида 9-12 фоиз оралиғида шаклланиши;

респондент корхона ва ташкилотларнинг **88** фоизида (II чорак сўровида 70 фоизни ташкил қилган) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархларининг 2018 йилга нисбатан оширилиши, шу жумладан корхона ва ташкилотларнинг 15 фоизида 1-4 фоиз оралиғида, 20 фоизида 5-8 фоиз оралиғида ҳамда 39 фоизида 9-12 фоиз оралиғида бўлиши;

корхона ва ташкилотларнинг 56 фоизида инвестициялар ҳажмининг 2018 йилга нисбатан ошиши прогноз қилинмоқда.